МАҲАЛЛА — АДОЛАТ МАСКАНИ
2-саҳифада



БОШИ БЕРК КЎЧА
Кейинги сонда



ҚАДИМ ҚАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ
4-саҳифада



O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

№35 (16340) 2019-YIL 1-MAY, CHORSHANBA O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi www.yoshlarovozi.uz yoshlarovozi@umail.uz @Yoshlarovozi Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## СУРХОНДАРЁ ТАРАҚҚИЁТИ ҲУДУДНИНГ ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 30 апрель куни Сурхондарё вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, туман ва шаҳарларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини сифат жиҳатидан кенгайтириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб берган эди.

Ўтган вақт мобайнида мазкур топшириқлар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишларида умумий қиймати 3 триллион 12 миллиард сўмлик 423 та лойиҳа ишга туширилиб, 7 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Ушбу топшириқлар ижроси доирасида вилоятда цемент ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Гранит ва габбро тошларини қазиб олиш ва қайта ишлаш корхонаси барпо этилди. Замонавий таълим, тиббиёт муассасалари, иссиқхоналар қурилиб, турли зироатлар етиштириш, чорвачилик ва паррандачилик соҳаларини ривожлантириш, аҳолини арзон, сифатли уй-жой билан таъминлашга эътибор янада кучайди. Олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида жорий йилнинг дастлабки чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот 3,4, саноат 2, қурилиш 25,5, хизматлар 4,2 фоизга ошди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда 42 та лойиҳага 23,6 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилинди. Саноат соҳасида 16,2 миллион доллар, қишлоқ хўжалигида 3,62 миллион, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 3,16 миллион доллар миқдорида хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

(Давоми 2-саҳифада).

## БЎКА ФЕНОМЕНИ: ҚОБИҚНИ ЁРИБ ЧИҚАЁТГАН ТАШАББУСЛАР



Р.НАЗАРМАТОВ

**Ҳар жойнинг баланд-пасти бўлади. Ўзига яраша муаммоси ҳам, албатта. Шунинг учун бирон ҳудуд ҳақида холис фикр юритмоқчи бўлсангиз, камида ўша манзилга бориш, аҳволини кўриш, имкон даражасида маҳаллий халқ билан дилдан суҳбатлашиш даркор.**

Тошкент вилоятининг Бўкаси ҳақида матбуотимиз кўп ёзди. Ҳали у қишлоқда мактаб ёки боғча обдон таъмирланаётгани, ҳали бу маҳаллада жамоатчилик кутубхонаси ташкил қилингани, ишсизликдан безиб кетган аёллар учун ҳадемай янги тикув фабрикаси қуриб битказилишига ўхшаш хушхабарлар деярли ҳар куни қулоғимизга чалинмоқда.

Шубҳа йўқки, бундай ўзгаришлар ичида яшаётган инсонларнинг ҳаётий ташвишлари бир қадар чекинади, орзу-умидлари ўзгаради, келажакка ишончи ортади. Аниқроғи, Тошкентда ўтириб, шундай бўлса керак, дея тахмин қилдик. Ҳақиқатни билиш учун эса, Бўка томон отланишга тўғри келди.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

FESTIVAL

## ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ШАНХАЙ ОРОМГОҲИДА



Хитой Халқ Республикасининг Циндао ва Пекин шаҳрида "IV Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ёшлар оромгоҳи — 2019" ҳафталиги ўтказилмоқда. Унда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳамда кузатувчи мақомидаги 14 та мамлакатдан 200 нафарга яқин ёшлар ташкилоти вакиллари қатнашяпти.

Иштирокчилар маиший техника ишлаб чиқарувчи "Haier" ҳамда электр қувват мосламалари ва экологик автомобиль қувватлаш тармоқларини яратувчи "TGOOD" корпорацияларининг тарихи, иш фаолияти ва келажак режалари билан танишди.

Шунингдек, жаҳон боғдорчилик оромгоҳи майдонида "Арқонли ўқув" бўйича амалий машғулотлар ўтказилди. Иштирокчилар 12 та жамоага бўлиниб, етакчилик, гуруҳ бўлиб ишлаш, тўғри қарор қабул қилиш каби йўналишларда билим ва кўникмаларини мустаҳкамлади.

Қатнашчилар жаҳонда еттинчи ўринни эгаллаган, юқори технологиялар билан жиҳозланган Циндао порти, Хитой-немис экобоғи, Денгиз фан ва техника миллий тажриба лабораторияси, Хитой Океания университетларига саёҳат қилди.

(Давоми 4-саҳифада).

ESHITDINGIZMI?

## ИТТИФОҚ ҲАҚИДА РОБОТ ГАПИРСИН




Навоийда "Энг намунали туман (шаҳар) сардорлар кенгаши" танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда барча ҳудудлардан сараланган 250 нафардан зиёд фаол ва ташаббускор ёш учта шарт бўйича беллашди.

Сардорлар Навбаҳор туманидаги "Шабода" болалар соғломлаштириш оромгоҳида жам бўлди. "Бизнинг фаолият" деб номланган дастлабки шарт доирасида ҳар бир жамоа ўзини таништирди. Сўнгра лойиҳалар тақдимотига ўтилди. Асосий урғу ташаббуснинг ижтимоий аҳамияти ва креативлигига қаратилди. Масалан, Тошкент вилояти жамоаси фуқароларга Ёшлар иттифоқининг мақсад-вазифалари тўғрисида маълумот етказишда сунъий интеллект хизматидан фойдаланишни таклиф қилди.

— Махсус роботларни аҳоли гавжум жойларда ўрнатиш мумкин, — дейди лойиҳа муаллифларидан бири Умиджон Хуррамжонов. — Ўйлашимча, бундай ёндашув одамларда қизиқиш уйғотади. Ахборотга ташналик ортади. Қолаверса, роботлар билан ишлаш ҳам осон, ҳам қулай. Лойиҳани яратишга ярим йил вақт кетди. Ҳакамлар ҳайъатига манзур бўлганидан хурсандман.

Танловнинг учинчи шарти — "Билимлар беллашуви" ҳам қизғин кечди. Ўқувчи-ёшлардан Иттифоқ фаолиятига доир кўплаб саволларга аниқ ва тезкор жавоб бериш талаб қилинди.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринга Тошкент вилояти жамоаси лойиқ топилди. Қорақалпоғистон Республикаси ёшлари иккинчи, андижонликлар эса, учинчи ўрин билан чекланди. Иштирокчиларга жами 400 дан ортиқ китоб жамланмаси совға қилинди.

**Роҳатой ҚОДИРОВА**

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТОМОНИДАН

### БЎКА ТУМАНИДА 7 ЁШДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН 41 МИНГ 637 НАФАР ЎҒИЛ-ҚИЗ РЎЙХАТГА ОЛИНГАН



# СУРХОНДАРЁ ТАРАҚҚИЁТИ ҲУДУДНИНГ ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА БОҒЛИҚ

(Бошланиши 1-саҳифада).

Янги лойиҳаларни ишга тушириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳудудий экспорт ҳажми 131,5 фоизга бажарилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи Сариосиё туманидаги Тўполанг гидроэлектр станциясидан бошланди.

Мамлакатимизда гидроэнергетикани ривожлантириш учун табиий шароитга эга жойлар кўп. Бу имкониятдан самарали фойдаланиб, энергия ишлаб чиқаришни кўпайтириш иқтисодиётимизнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 майдаги қарори билан 2017 – 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури белгиланди. Ўша йили 18 майдаги фармонга мувофиқ, "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти ташкил этилди. Соҳада ягона техник сиёсатни амалга ошириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини изчил ошириш, мавжуд гидроэлектр станцияларни замонавий қайта жиҳозлаш ва янги қувватларни ишга туширишга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Шу асосда Тўполанг гидроэлектр станцияси ҳам модернизация қилинмоқда. Бу ерда ҳар бири 15 мегаватт бўлган иккита агрегат ишлаб турган эди. Президентимиз топшириғига мувофиқ, аввалига Тўполанг сув омбори тўғони 20 метрга кўтарилди. Натижада унинг сиғими 380 миллион куб метрдан 500 миллионга етказилди. Айни пайтда жами қуввати 145 мегаваттли яна иккита агрегат ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ҳар бири қарийб 38 мегаватт бўлган "Зарчоб-1" ва "Зарчоб-2" кичик гидроэлектр станциялари ҳам барпо этилмоқда. Шу тариқа энергия олиш қуввати жами 250 мегаваттга етказилади.

Аҳамиятлиси шундаки, бу ресурслар табиий ва қайта тикланувчандир. Экологияга ҳеч қандай зарар етказмаган ҳолда барқарор энергия ишлаб чиқарилиб, саноат корхоналари, турли идоралар ва аҳолига етказиб берилади.

Давлатимиз раҳбари янги тўғон ва гидроэлектр станцияни кўздан кечирди.

— Бу тарихий воқеа, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бу ишларнинг барчаси келажагимиз учун қилинмоқда. Келгусида Сурхондарё гидроэнергия ҳисобидан бемалол иқтисодиётини таъминласа бўлади.

Шу ерда сув омборлари ва гидроэлектр станциялари ҳолатини мониторинг қилишга ихтисослашган техник тизимлар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев сув омборлари тўғонларини мустаҳкамлаш ва доимий назорат қилиш, хавфсизлигини таъминлаш, илмий ишланмалар асосида улардан фойдаланиш коэффициентини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли Сариосиё туманидаги Шарғун кўмир конида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда энергетика соҳасини изчил ривожлантириш, энергия манбаларини диверсификация қилиш, аҳоли ва ташкилотларга бир неча турдаги энергия етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.

Шарғун кўмир конида Хитой билан ҳамкорликда 2017 – 2020 йилларга мўлжалланган 105,5 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Унинг 15,7 миллион доллари "Шарғункўмир" АЖнинг, 89,8 миллион доллари эса Хитой Эксимбанкининг кредит маблағидир. Мазкур лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, 2021 йилдан бошлаб йилига 900 минг тонна тошкўмир қазиб олинади. 600 та иш ўрни яратилади. Янги Ангрен ва Ангрен иссиқлик электр станцияларига, цемент заводлари, аҳоли ва бошқа истеъмолчиларга тошкўмир етказиб бериш кўпаяди.

Мамлакатимиздаги қазилма бойликлари ичида кўмир алоҳида ўрин тутади. Сурхондарё вилоятининг қатор туманларида мазкур маҳсулотнинг турли хили қазиб олинмоқда. Шарғун кони кўмири сифатининг юқорилиги, захиранинг кўплиги билан бошқа шундай конлардан ажралиб туради. Бу ерда айни пайтда коннинг асосий захираси томон тоғ этагидан йўл очилмоқда. Бугунги кунгача 2 километру 216 метр масофада қазиш ишлари бажарилди. Яна 1,5 километрдан сўнг 33 миллион тонналик асосий кўмир захирасига етиб борилади.

Давлатимиз раҳбарига вилоятда тошкўмир қазиб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида маълумот берилди.

"Шарғункўмир" АЖни модернизация қилиш инвестиция лойиҳаси, Бойсун тошкўмир ва Шеробод туманидаги Кўҳитанг конларида кўмир қазиб чиқаришни ташкил этиш, Сариосиё тумани ва Шарғун шаҳарчасини 2019 – 2020 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

— Бундай сифатли кўмир ҳеч қаерда йўқ. Ана шундай лойиҳалар бизга жуда керак. Ер ости бойликларимизни халқимиз манфаати йўлида ишлатишимиз зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур лойиҳани қисқа муддатда ва сифатли амалга ошириш, кончиликни янада ривожлантириш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш зарурлиги, Шарғун шаҳарчасининг ижтимоий инфратузилмасини тубдан ўзгартириш, замонавий таълим, тиббиёт муассасалари, меҳмонхоналар ва янги турар жой биноларини барпо этиш, сув омбори қуриш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил апрель ойида Россия Федерациясига ташрифи асносида россиялик инвесторлар билан Бойсун туманидаги "Мустақилликнинг 25 йиллиги" газ конида дастлабки қидирув, уни ишлатиш ва газ-кимё мажмуаси қуриш бўйича маҳсулот тақсимотига оид битим имзоланган эди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ доллари бўлиб, икки босқичда амалга оширилади.

2018 – 2022 йилларга мўлжалланган биринчи босқичда йилига 5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга завод қурилади. Жумладан, "Эрта газ" дастури доирасида 2020 йилдан бошлаб 2 минг 800 метр чуқурликдаги газ қатламидан йилига 1 миллиард куб метргача табиий газ қазиб олинади. 2023 йилда яна 15 та қудуқ фойдаланишга топширилиб, газни қайта ишлаш заводининг иккинчи линияси ишга туширилади, натижада газ қазиб олиш йилига 5 миллиард куб метрга етказилади.

2023 – 2025 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичда 1,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш ҳисобидан йилига 500 минг тонна полимер маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган газ-кимё мажмуаси барпо этилади. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг жами 2 минг 200 та иш ўрни яратилади.

Ҳозирги кунда газ конининг 160 квадрат километр майдонида Хитойнинг "BJP" компанияси томонидан 3Д сейсмик қидирув ишлари ўтказилди, "Эриелл" компанияси томонидан 7 та баҳолаш қудуғи бурғиланмоқда. Объектда жами 1 минг 125 ишчи, жумладан, "Бейкер Хюз", "Халибёртон" ва "Шлюмберже" хорижий компаниялари мутахассислари меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи чоғида ушбу битим доирасидаги ишларнинг бориши билан танишди. Лойиҳа ҳамкори, "Altmax Holding LTD" компанияси таъсисчиси, россиялик инвестор Андрей Филатов билан дастлабки геология-қидирув ишлари натижалари, газни қайта ишлаш мажмуасини лойиҳалаштириш ва қуриш ҳақида суҳбатлашди. Ушбу инвестор Бойсун туманидаги 10-мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилишда ҳам қатнашган.

Кейинги йилларда ёқилғи-энергетика соҳасида амалга оширилган йирик лойиҳалар натижасида Устюрт газ-кимё, Қандим газни қайта ишлаш мажмуалари барпо этилиб, рақобатбардош маҳсулотлар номенклатураси ва ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди. Бойсун туманида бошланган навбатдаги лойиҳа мамлакатимизнинг жанубий вилоятини комплекс ривожлантириш, ёқилғи-энергетика, кимё, қурилиш саноати ва транспорт инфратузилмаси корхоналари қувватларини ошириш имконини беради.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда газ-кимё мажмуалари қуриш бўйича катта тажриба тўплангани, ушбу лойиҳа Сурхондарё заминидаги углеводород захираларини ўзлаштириш ва қайта ишлашда оламшумул воқеа бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Лойиҳанинг энергия самарадорлигини ошириш ва уни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Термиз туманида 900 мегаваттли иссиқлик электр станцияси барпо этиш, вилоятда саноатни ривожлантириш, муҳандислик тармоқларини модернизация қилиш, Бойсун туманида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, Сариосиё туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз Сариосиё ва Бойсун туманларида мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, хонадонларда чорва боқишни кенг йўлга қўйиб, оилаларнинг ўзини ўзи таъминлашга ўтиши лозимлигини таъкидлади.

— Туман ҳокимлари кичик-кичик инвестиция лойиҳаларини жалб қилиб, экспорт ва солиқ тушумини кўпайтириши керак. Шунда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича марраларимиз ва эришадиган натижаларимиз бугунгидан ўн карра баланд бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоят оқсоқоллари билан суҳбатлашди. Мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, халқимиз манфаатини ҳимоя қилиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, бахшичилик санъатини янада кенг тарғиб этиш масалалари ҳақида сўз борди.

Сурхондарё вилоятида янги газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, одамлар турмуш даражасини ўзгартиришга кенг йўл очиши қайд этилди.

— Олдимизда қийин, мураккаб, аммо яккаю ягона тўғри йўл турибди, бу халқимиз манфаати учун сидқидилдан хизмат қилишдир. Бунинг учун барча бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилиши, одамларнинг ўзлари ҳам бугунгидан яхши яшашга интилиши керак. Энди халқимиз ана шундай ўй-фикр билан яшаши, ўзгариши зарур. Сурхондарё халқининг ўзига хос феъл-атвори бор. Энг муҳими, ҳалол, виждони пок, юртимизнинг келажагини ўйлайдиган одамлари бор. Ана шундай инсонларнинг имкониятидан самарали фойдаланиш, белни маҳкам боғлаб, элга хизмат қилишимиз зарур, — деди Президентимиз.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорга сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб беришга доимий эътибор берилмоқда. Бунда жойларда ташкил этилаётган паррандачилик корхоналарининг ҳам алоҳида ўрни бор. Музработ туманидаги "Янгиобод инвест сервис" хусусий корхонаси шулардан бири.

Президентимиз вилоятга ташрифи доирасида ушбу корхона фаолияти билан танишди.

Яқинда фойдаланишга топширилган корхонанинг лойиҳа қиймати 53,127 миллиард сўм. Корхонага паст рентабелли жойдан 230 гектар ер майдони ажратилган. Унинг 220 гектарига парранда учун озуқа маҳсулотлари экилиб, 10 гектарида бинолар жойлашган. Хусусан, еттита товуқхона, иккита жўжа кўпайтирадиган бинолар қурилган. Хусусий корхонада 500 минг товуқ боқиш имконияти мавжуд. Шунингдек, 1 миллион 735 минг дона жўжа парваришлашга мўлжалланган инкубатор ҳам бор. Бу ерда йилига 168 миллион дона тухум олинади. Жорий йилнинг июнь ойида парранда учун замонавий озуқа ишлаб чиқариш линияси ўрнатилади ва корхона тўлиқ ем билан таъминланади. Айни пайтда 1000 тонна сиғимга эга музлаткич омборхона қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбарига "Янгиобод инвест сервис" хусусий корхонасида келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, корхонада етиштирилаётган товуқ гўштидан сосиска, товуқ патидан кўрпа-ёстиқ, суягидан озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Яна бир истиқболли лойиҳа биогаз ва биоўғит маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши кутилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллион 700 минг АҚШ долларига тенг. Унинг 500 минг доллари корхонанинг ўз маблағи, 1 миллион 200 минг доллари хорижий инвесторлар ҳиссасига тўғри келади. Лойиҳа амалга оширилгач, 50 та иш ўрни яратилади.

Шу ерда Сурхондарё вилоятида эртаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва экспортга чиқариш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш, агросаноат кластери ташкил этиш ва бошқа қатор лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Президентимиз томорқачилик бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Сурхондарё вилоятида 400 минг хонадоннинг 48 минг гектар ери бор. Жорий йилда биринчи экинлардан 644 минг тонна ҳосил олинди. Вилоят иқлим шароитида кичик иссиқхоналар ташкил этиш орқали бемалол уч марта ҳосил олиш, экспорт қилиш мумкин. Бу қарийб 150 минг гектар ердан фойдаланиш билан баробар. Масалан, бу йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта картошка экспорт қилиш йўлга қўйилди. Вилоятда 270 минг тоннадан зиёд картошка етиштирилди. Унинг 100 минг тоннасини экспорт қилиш режалаштирилган.

— Томорқачилик озиқ-овқат маҳсулотларини арзон қилиш, инфляция даражасини пасайтиришда таянч нуқталардан биридир. Бу орқали қанча одам ишли бўлади, оилаларга даромад, барака киради. Томорқадан самарали фойдаланган одам боқиманда бўлмайди, бой бўлади. Бунинг учун барча шароит яратилган, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан тақдим этилган арпа, буғдой, сули ва маккажўхори донидан ем ишлаб чиқарадиган мобиль заводни ҳам кўздан кечирди.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тизимидаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, омихта ем ишлаб чиқарувчи мобиль завод, Қумқўрғон туманидаги "Қорабайир" фермер хўжалиги фаолияти, туяқуш, туячилик, қуёнчилик, зотдор эчки боқиш ҳақида ҳам маълумот берилди.

Масалан, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан тақдим этилган омихта ем ишлаб чиқарувчи мобиль заводнинг лойиҳа қиймати 280 минг евро. "МАЗ" машинасига ўрнатилган ушбу мобиль завод Беларусь-Австрия давлатлари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган. Арпа, буғдой, сули, маккажўхори, шрот, минерал қўшимчалар ва ўсимлик ёғидан омихта ем ишлаб чиқарилади. Соатига 16 тоннадан ортиқ омихта ем тайёрлаш қувватига эга. Иш жараёни тўлиқ компьютер тизимида амалга оширилади. Агар маҳсулотлар бозордан сотиб олинса, мобиль завод бир йилда ўз таннархини қоплайди. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тизими корхоналаридан олинган маҳсулотлардан фойдаланилса, беш ойда ўз таннархини қоплайди.

Мамлакатимиз жанубидаги ер ости ва ер усти бойликларидан, ҳали ишга солинмаган имкониятлардан оқилона фойдаланиш учун вилоятнинг меҳнаткаш, изланувчан, фидойи одамларига барча қулайлик яратилмоқда. Бу борада давлат даражасида кўрсатилаётган эътибор уларни руҳлантириб, янги ғоялар билан дадил одимлашга ундаётир. Жойларда янгидан тақдим этилаётган истиқболли лойиҳалар бунинг ёрқин далилидир.

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Умар АСРОРОВ,**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

# БЎКА ҚОБИҚНИ

(Бошланиши 1-саҳифада).

### ОДДИЙ ҲАММОМ ЙЎҒ-У, МАДАНИЯТГА ЙЎЛ БЎЛСИН!

Туманда 125 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ёшлар салмоғи салкам 42 минг киши. Чакана рақам эмас. Яшириб нима қилдик, орасида ўғриси ҳам, тўғриси ҳам бор... Лекин ҳозир гап бошқа масала хусусида.

**Бўкада мавжуд қирқта маҳалланинг бирортаси ҳам ичимлик суви билан таъминланмагани, хонадонларда оддий ҳаммомнинг йўқлиги кишини ҳайратга солади. Кўпдан бери аҳвол шу!**

Халқнинг эса, аламини ичига ютиб яшашдан ўзга чораси қолмаган. Деярли ўттиз йил ичида туман мутасаддилари аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бўйича ҳеч қандай амалий чора кўрмаганига ишонгинг келмайди. Наҳотки ўтган давр мобайнида шу қадар жиддий муаммо ечимига ақалли



озгина маблағ йўналтиришнинг иложи топилмаган бўлса?! Одамлар уйида ҳатто эмин-эркин ювина олмаганидан кейин, маданий юксалиш ҳақида ўйлайди дейсизми? Асло!

Энди аҳвол ўзгаради. Тўғри, бирданига эмас. Бироз сабр қилиш керак. Муҳими, ғишт қолипдан кўчган. Демак, яқин истиқболда бўкаликлар ҳаёти жиддий ислоҳ қилинишига ишонса бўлади.

— Ўзгаришлар ҳозирнинг ўзида, кўз ўнгимизда рўй бермоқда, — дейди "Хўжақўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 27-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори Саидбаҳром Ғуломов. — Туман марказидан келишда эътибор бергандирсиз — йўлимиз асфальтланяпти. Биз учун бу катта ҳодиса. Сабаби автомобиль йўлининг аввалги ҳолатига қараб бўлмасди. Охирги ўн беш йил ичида таъмирлангани йўқ. Энди эса, равон кўчалардан юрган сайин юргинг келаверади. Шунинг ўзи инсонга кўтаринкилик бағишлайди. Агар билсангиз, ёшларнинг кайфияти ҳам ўзгаряпти. Буни биринчи бўлиб ўқувчиларимда пайқадим. Яқинда Ёшлар иттифоқи мактабга юздан ортиқ бадиий асар совға қилди. Китобхонлик тўгарагини очдик. Мана, ўзингиз кўринг, дарслар аллақачон тугаган бўлишига қарамай, китоб зали ўғил-қизлар билан тўла. Бошланғичдан тортиб, юқори синфларгача ҳамма шу ерда. Болалар янги мусиқа асбобларига ҳам муҳтож. Ҳозирча эскироқ чилдирмамиз бор, холос.

Яна бир янгилик — спорт тўгараклари иккитага кўпайди. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтида нафақат футбол ёки волейбол, балки шахмат ва стол тенниси ҳам ўйнаши мумкин. Дарвоқе, кечки волейбол секциясига, асосан, маҳалла ёшлари ёзилган. Уларда компьютер технологияларига ҳам қизиқиш катта. Шу боис информатика тўгарагини кенгайтирмоқчимиз. Тез кунда мактабимиз оптик толали интернет тармоғига уланади. Хуллас, ёшлар ўқисин, юксалсин, ҳеч кимдан кам бўлмасин, деб давлат барча шароитларни яратиб беряпти. Энди муносабат ҳам шунга муносиб бўлиши керак-да.

### ЖОЙ ҲАММАГА ЕТМАЙДИ, ЛЕКИН...

Эшитишимизча, Хўжақўрғонда тикув-трикотаж фабрикаси қурилаётган экан. Бу қишлоқ аҳли учун тарихий воқеа. Янги корхона ишга тушиши билан 150 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланади.

**Аёл тугул, эркаклар ҳам тузук иш топишга қийналадиган, уй бекалари рўзғор ғамида баъзан "мардикор бозори"га чиқишга мажбур бу ҳудудда биттагина фабрика орқасидан қанчадан-қанча ижтимоий муаммолар ҳал бўлиб кетишини тасаввур қилинг-а.**

Буни қарангки, нақ 400 нафар талабгор тикув-трикотаж корхонасида ишлаш истагида ҳужжат топширган. Тўғри, жой ҳаммага етмайди. Лекин қишлоқда бошқа ишлаб чиқариш объектлари ҳам қурилиши мумкин-ку. Ҳаркалай, буёғига ҳадеб давлатдан кўмак кутавермасдан, бўкалик тадбиркорлар ғайрат, ташаббус кўрсатса, нур устига нур бўларди.

— Бўкамизга бу йилги баҳор жуда бошқача келди, — дейди бизга ҳамроҳлик қилган Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши раиси Нурали Тошматов. — Барчамиз уйғондик, опа. Аслида иложсиз ишнинг ўзи йўқ. Фикрингизга қўшиламан — бировдан ҳиммат кутиб яшайдиган замонлар ўтди. Ўзимиз ҳаракат қилишимиз керак! Буни одамлар аста-секин тушуниб етяпти.

**Жамоатчилик кутубхоналарини очиш ташаббуси илгари сурилганда бир саховатпеша инсон "Бўстон" маҳалласидаги ҳовли-жойини бўшатиб берди.**

Шахсан мен қойил қолдим. Мана буни фидойилик деса бўлади.

Тадбиркорларда ҳам шижоат уйғоняпти. Улардан бири "Навобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ўз ҳисобидан стадион қуришни бошлади. Бундай объектлар ҳамма ерда керак.

**Зотан, аксарият қишлоқларда болаларнинг ақалли копток тепиши учун жой топилмайди. Мавжуд стадионлар жуда абгор аҳволда. Ҳозир бир қанчаси давлат-хусусий шерикчилик асосида замонавий қиёфа касб этмоқда, аммо бу кам.**

Ёшлар спортга кенг жалб этилса, бекорчиликка ўрин қолмайди. Шу тарзда жиноятчиликка қарши самарали курашиш мумкин.



MUNOSABAT

# МАҲАЛЛА — АДОЛАТ МАСКАНИ

**Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва уни ривожлантиришда энг халқчил, таъсирчан ва оммавий ижтимоий институт сифатида маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Шарқона демократик тамойилларга асосланган ўзини ўзи бошқариш тизими фуқароларни ягона мақсад йўлида бирлаштирмоқда. Ёшларни тарбиялаш, анъаналар, урф-одатларни тиклаш ва ривожлантириш борасида катта имкониятларга эга.**

Жорий йилнинг май ойида республикамиз миқёсида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади. 2018 йил 15 октябрда янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, эндиликда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) уч йилга сайланади.

Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади. Қонуннинг 12-моддасига кўра, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

16-моддага биноан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайловларни юксак савияда ўтказиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳалла тизими билан ижтимоий ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлайди.

Биз истиқомат қилаётган Қарши шаҳридаги "Янги турмуш" маҳалласида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтган 2018 йилда 69 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди. Бешта нотинч оиланинг аҳиллиги мустаҳкамланди. Маҳаллада сектор билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчилик ҳолатлари 2017 йилдагига нисбатан камайди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда турли ижтимоий масалаларни ечишга маҳалланинг қурби етади. Нега деганда, бу ерда адолатли муҳит, адолатли ижтимоий шароит мавжуд; ҳаётий тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди.

**Мейли ТЎРАҚУЛОВ,**
**сиёсий фанлар номзоди, доцент**

# БЎКА ФЕНОМЕНИ: ЁРИБ ЧИҚАЁТГАН ТАШАББУСЛАР



**Бугун Бўка тумани тўй тадоригидаги хонадонга ўхшайди. Туман аҳли Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта ташаббусни ўзгача қувонч билан қарши олди.**



## ЯШАШ ИШТИЁҚИ КУЧАЙМОҚДА

— Узоқ йиллардан буён Бўкада бундай катта ўзгариш бўлмаган, — дейди 78 ёшли Икром бобо. — Болаларимизга айтадиганим шу: жим қараб турмай катталарнинг қаватига кириб, янгилик қилишга ёрдам берсин. Меҳнатга, ўқиб-ўрганишга умрини сарфлаган одамдан ёмонлик чиқмайди.

Дарҳақиқат, Бўка тажрибаси сифатида ҳаётга татбиқ этилиши кутилаётган бу ташаббус ҳудудда янгича ҳаёт бошланишига сабаб бўлди. Аввало, "Маърифат карвони" сабаб кутубхоналар адабиётлар билан бойиди. Янги қироатхоналар бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди. Аҳолига, айниқса, ёшларга китоб улашилмоқда. Меҳр ила совға қилинган биргина адабиёт ҳам ўғил-қизларнинг келажагига ижобий таъсир қилади, албатта.



Тумандаги 27-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига борсангиз, бунга амин бўласиз. Мактабда ташкил этилган "Китобхон" тўгарагида ҳар бир ўқувчи ўзи мутолаа қилган китоб ҳақида мактабдошларига сўзлаб беради. Қувонарлиси, тўгаракда бошланғич ва юқори синф ўқувчилари бирдек фаол.

**— Бешинчи синфда ўқийман, — дейди Муштарий Мунавварова. — Биринчи синфдалигимдаёқ қирққа яқин китоб ўқиганман. Мактабимиз кутубхонасида аввал ҳам яхши китоблар бор эди. Энди янада кўпайди. "Маърифат карвони"да мен номини эшитиб, ўқишни истаб юрган адабиётлар кўп экан. Олдин отам (бобом демоқчи — муаллиф изоҳи.) ёки дадам янги китоб олиб беришини кутиб ўтирардим. Энди мактабимизда истаган китобимни топиб ўқишим мумкин.**

Муштарий ўқиган китоблари ва унинг мазмуни ҳақида мароқ билан сўзлайди. Унинг гапини тинглаб қувонасиз.

"Маърифат карвони"дан ўрин олган китоблар орасида Қодирий бобомиз ёзган роман Жавлонбек Ҳамроқуловнинг диққатини тортибди. У китоб ўқиш яхши одат эканини ҳис қила бошлаганини айтди.

— "Ўткан кунлар" романини ўқияпман, — дейди Ж.Ҳамроқулов. — Китобни ўқиб, асарнинг кино талқини билан катта фарқи борлигини билдим.

Дарҳақиқат, бугун туман катта қурилиш майдонига айланган. Қаерга борманг, янгиликка, бунёдкорликка дуч келасиз. Туман марказида тўрт қаватли замонавий туруржой бинолари, спорт майдончалари қурилмоқда. Ёшлар марказига ҳам тамал тоши қўйилди. Тўғри, янги бино қуриш, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш давлатимиз учун қийин эмас. Лекин бу бунёдкорликдан халқ доим манфаат кўриши, миннатдор бўлишига эришиш мушкул вазифа. Шу боис Бўкада шунчаки иморат тиклашга эмас, унинг инсон омилига таъсири, ижобий ўзгаришларга сабаб бўлишига аҳамият қаратиляпти. Инчунин, янги ишлаб чиқариш цехига пойдевор қўйилиши билан ишсиз юрган 400 нафар хотин-қиз махсус курсларда касб сирини ўрганишни бошлади. Улардан тумандаги ўзгаришлар ва Президентимизнинг бешта ташаббуси ҳақида сўрасангиз, мамнуният билан: "Биз бунинг самарасини ҳозирдан кўра бошладик!", деб жавоб беради.

Мактаблар қошида ташкил этилаётган тўгараклар фаолияти самарали ва бардавом бўлиши учун зарур чоралар кўриляпти. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкор ташкилот ва давлат идоралари билан ҳамжиҳатликда мазкур тўгараклар учун малакали кадрларни жалб этяпти. Бу кадрлар учун нафақат қулай шароит, балки меҳнатига яраша ҳақ бериш тизими ҳам кўриб чиқилмоқда.

Ҳудуднинг энг оғриқли нуқталаридан бири ҳисобланган "Янгиқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинига бораётганимизда қизиқ ҳолатга дуч келдик. Аввалига чуқурлари текисланган йўлдан юрдик. Сўнг, бир неча чақирим масофада машинани эҳтиёткорлик билан бошқаришга тўғри келди: ўйдим-чуқур! Тағин рўпарамиздан йўлсозлар чиқди. Улар йўлнинг анча-мунча қисмини асфальт билан қоплабди.

Муқояса бироз қўпол бўлса ҳам, бўкаликларнинг бугунги кайфиятини шу йўлга менгзадим. Айни пайтда кимдир бу ўзгаришларга умид билан қараяпти. Бошқа биров "шаҳарлик меҳмонлар қайтгач, ҳаммаси ўз ҳолига ташлаб қўйилмасмикан", деган истиҳолада. Яна кимдир ҳаётида рўй берган янгиланишни ҳис этиб улгурди.

Бу каби турфа қарашларнинг барчасини бирдек яхши томонга йўналтириш бошланган ишларни нечоғлик тўғри ва ҳалол бажаришимизга боғлиқ. Зеро, беш ташаббус негизида инсонни, унинг яшашга иштиёқини яхши томонга ўзгартиришдек улкан мақсадлар мужассам!

**Бобоpавшан ҒОЗИДДИНОВ**



### СТАДИОННИ ЎЗИМ ҚУРАМАН!

Тошкент давлат техника университети магистранти Муҳриддин Акмаловни туман марказида учратдик. У Бўканинг Қорақўйли қишлоғидан.

— Мактабда ўқиб юрганда болалар билан кўчаларни чангитиб тўп тепардик, — дейди Муҳиддин. — Бироқ ҳақиқий футбол ўйнаш учун шароит бўлмаган. Маҳалламизда қачондир стадион қурилармикан, деган орзу-армон билан катта бўлдим. Қорақўйлида стадион ҳозир ҳам йўқ. Энди уни ўзим қураман! Ўқишни тугатгач, "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармасидан кредит олишни режалаштирдим. Бизнинг маҳалладан ҳам чемпионлар етишиб чиқишини хоҳлайман.

Кейинги тасодифий суҳбатдошимиз ўқитувчи бўлиб чиқди. 3-мактабда дарс берадиган Нигора Каримованинг чеҳрасидан нур ёғиларди.

— Президентимизга минг раҳмат, — дейди самимият билан муаллима. — Халқ учун қайғуриб, шунча хайрли ишларни бошлаб берди. Эҳ-ҳе, бу кетишда яқинда Бўкамизни таниёлмай қоламиз, шекилли. Ҳу ана у майдон балчиққа кўмилган ташландиқ жой эди. Энди кўриб турганингиздек — амфитеатр. Маданият маркази ҳам қайта таъмирланиб, ишга туширилганидан хурсандман. Илгари унинг номи бор эди, холос. Азбаройи эскилигидан киришга қўрқардик. Ҳозирги ҳолатига қараб эса, тўймайсан, киши. Ҳар куни бадиий фильмлар намойиш қилинмоқда. Турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш ҳам мумкин. Қисқаси, жуда ёшларбоп маскан бўлди! Ўқувчилар билан тез-тез келиб туришга арзийди. Яқинда янги истироҳат боғи ҳам қуриб битказилар экан. Буни қанчалик кутганимизни билсангиз эди... Эҳтимол, кимдир "Ҳа нима бўлибди, вақти-соати етганидан кейин эски бино таъмирланади, янги иншоотлар қурилади ва яна бошқа ўзгаришлар қилинади-да, ахир, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди-ку", дея фикр билдирар. Бундайларга айтар сўзим бор:

**"Ҳаёт тўхтаб қолиши мумкин экан, азизлар! Охирги ўн йилликлар давомида худди шу ҳолатни ҳис қилиб яшаётгандик".**



Нигора опанинг таъкиди муболаға эмас. Дарҳақиқат, Бўкада одамлар ҳаминқадар турмуш тарзига, бир амаллаб кун кечиришга, пойтахтга қатнаб ишлашга, боласини боғчага бермасликка, маданий ҳордиқ чиқармасликка, газета-журнал мутолаа қилмасликка, театр ва кинога бормасликка деярли кўникиб қолганди. Бундай "ҳаёт" кишини зериктиради, албатта.

**Қани айтинг-чи, синфдошлари билан маза қилиб хиёбонда сайр қилолмайдиган, китоб излаб ёки ўзи қизиққан спорт тури билан шуғулланиш учун неча километр наридаги туман марказига қатнашга мажбур, дарсдан кейин мол-ҳолга қарашдан бошқа машғулоти йўқ қишлоқ боласи қандай қилиб олдига катта мақсадлар қўйиши, порлоқ келажак ҳақида ўйлаши мумкин?!**

Ҳали мактабни тугатмай туриб, рўзғор юкини тортишда ота-онасига елкадош бўлаётган қанчадан-қанча қоракўзлар онгининг юксалишию дунёқарашининг кенгайишига шу ихтиёрсиз танлов халақит бермаётганмикан? Нима бўлганда ҳам, улар ўз тақдирини ўзи белгилашга, юқори марралар сари интилишга, замонавий билим олишга, бир сўз билан айтганда, қобиқни ёриб чиқишга ҳақли. Бунга имкон яратиб берилса, бас.

Бугун бўкаликлар шундай имкониятга эга. Натижани вақт кўрсатади. Умид қиламизки, туманда амалга оширилаётган хайрли ташаббуслар изсиз кетмайди. Келгуси авлодлар уларни "Бўка феномени", дея тилга олса, ажаб эмас.

**Наргиза УМАРОВА**

# ЎЗГАРИШЛАР ОСТОНАСИДА

**Юртбошимизнинг "Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус"ининг илк манзили — Бўка туманининг "Бўстон" қишлоғида уч мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 682 нафари ёшлар.**

Йигит-қизларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳудудда маданият уйи, хиёбон, қишлоқ врачлик пункти, стадион тубдан реконструкция қилиняпти.

Одамларнинг маиший турмуш даражаси яхшиланмоқда. Масалан, "Бўстон" ва унга қўшни бўлган бир қанча қишлоқларда неча йиллардан бери тоза ичимлик суви йўқ эди. Қишлоқ аҳолиси узоқ масофадан идишларда сув олиб келар, бу эса катта машаққат талаб қиларди. Бу муаммо бартараф этилмоқда. Ҳозир бир километр узунликда сув қувури ётқизилмоқда.

**Қишлоқда боғча йўқлиги сабабли болалар мактабга бошланғич тайёргарликсиз, оддий ўқувчилик кўникмаларидан ҳам бехабар ҳолда чиқар эди. Бу ўқитувчилар меҳнатини янада оғирлаштирарди. Бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қишлоқда мактабгача таълим муассасаси қурилмоқда.**

Аммо ўзгаришлар, янгиланишлар фақат бир томонлама бўлиб қолмаганми? Масалан, тумандаги "Чўлобод" маҳалласида ичимлик суви ҳамон муаммолигача қолган. Қишлоқ йўллари талабга жавоб бермайди. Одамларнинг яшаш шароити ҳам ҳаминқадар. Биз доимгидек марказга зеб бериб, қолган ҳудудларни унутиб қўймаяпмизми? Ваҳоланки,



икки қишлоқ ораси узоқ эмас. "Бўстон"нинг шундоққина ёнгинасида "Чўлобод" кўчаси жойлашган.

— Уч нафар фарзандим бор, — дейди Дилфуза Холова. — Оилада ёлғиз боқувчи ўзимман. Мавсумий ишда ишлайман. "Пойтахт барака чеварлари" МЧЖ очиляпти, 300 нафар хотин-қиз ишли бўлади, мен ҳам ишлайман дегандим, лекин у ерга диплоди борлар қабул қилинаркан...

Туманда бугун 18 та масжид бор. "Бўстон" қишлоғидаги жомеъ масжиди ҳам 2008 йилда маҳаллий аҳолининг ташаббусига кўра, ҳашар йўли билан қурилган. Бугун таъмирталаб бўлиб қолган маскан қайта реконструкция қилинмоқда.

— Ёшлар тарбияси доим биринчи ўринда туриши керак, — дейди "Бўстон" жомеъ масжиди имом-хатиби Нуриддин Мухторов. — Ота-онага, атрофдагиларга ҳурмат руҳида вояга етган бола бизнинг ютуғимиз. Қишлоғимизда етти юзга яқин ёш бор. Уларга тўғри таълим-тарбия беришда ота-она, мактаб қанчалик дахлдор бўлса, биз ҳам худди шундай масъулмиз.

Ҳududдаги аксарият ёшлар доимий иш ўрнига эга эмас. Улар асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Демак, мутасаддилар шу жиҳатни инобатга олиб, уларнинг яшаш шароитларини янада яхшилаши зарур. "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси томонидан уларга деҳқон-



чилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун кредитлар ажратилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки турли номақбул ишлар ишсизлик ва бекорчиликдан келиб чиқади. Мана шундай иллатлар содир бўлмаслиги учун масжид томонидан қишлоқдаги 39-умумтаълим мактабига 17 номдаги диний-маърифий китоблар совға қилинди. Аҳоли, айниқса, ёшлар билан давра суҳбатлари ўтказиляпти.

**Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйида 187 нафар ўғил-қиз тарбияланади. Ота-онаси йўқ ёки васийлик ҳуқуқидан маҳрум этилган болалар орасида иқтидорлилари талайгина. Улар кўплаб халқаро кўрик-танловларда совриндорлар сафидан ўрин эгаллаган.**

Масалан, 2018 йилда Москвада футбол бўйича меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Шу ёшлар орасида мазкур муассасанинг икки нафар тарбияланувчиси ҳам бор. Қолаверса, сўнгги уч йилда саккиз нафар битирувчи олий ўқув юртига ўқишга кирди. Уларнинг тўрт нафарига тўлов-шартнома пулининг бир қисми тўлаб берилди. Муассасада шу йигит-қизларга шартнома сертификатларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, Иттифоқнинг туман кенгаши Меҳрибонлик уйига китоблар тўпламини совға қилди.

— Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг биринчи босқич талабасиман, — дейди Даврон Ҳошимов. — Иттифоқ томонидан берилган имконият менга катта туртки бўлди. Насиб этса, келажакда яхши ўқиб, жамиятимизга керакли инсон бўламан.

Шунингдек, Ёшлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Футбол Ассоциацияси ҳамкорлигида муассаса ўғил-қизлари ўртасида спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Арқон тортиш, "Қувноқ стартлар" ҳамда футбол беллашувларида 100 нафардан зиёд ўғил-қиз куч синашди. Қатнашчиларга ташкилотчилар томонидан спорт анжомлари совға қилинди.

**Шерзод МАҲМУДОВ**

FESTIVAL

# QADIM QADRIYATLAR TARANNUMI

**Yurtimizda milliy qadriyatlarimizni tarannum etish maqsadida o'tkazilayotgan maqom, baxshichilik, milliy raqs va hunarmandchilik festivallari yoshlar tarbiyasida, ma'naviy kamolotida muhim o'rin tutadi. Shu yil 27-28-aprel kunlari bo'lib o'tgan "Boysun bahori" ochiq folklor festivali buning yaqqol isbotidir.**



O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi, Surxondaryo viloyati hokimligi va boshqa tashkilotlar hamkorligida tashkil etilgan festivalda Qoraqalpog'iston Respublikasining "Afsona", Toshkent shahrining "Buvijonlarim", Namangan viloyatining "Yallama-yorim", Samarqand viloyatining "Chinor", Xorazm viloyatining "Mash'al", Qashqadaryo viloyatining "Zanjir saroyi", Surxondaryo viloyatining "Boysun", Toshkent viloyatining "To'rg'ay", Jizzax viloyatining "Gashtak", Buxoro viloyatining "Sahro sabolari", Sirdaryo viloyatining "Sayxun yigitlari", Andijon viloyatining "Sayqal", Farg'ona viloyatining "Shodiyona", Navoiy viloyatining "Yor-yor" folklor-etnografik jamoalari hamda ko'plab xorijiy mehmonlar ishtirok etdi.

O'zining betakror tabiati, shifobaxsh buloqlari, mehmonnavoz xalqi, san'at va adabiyotga tashna ijodkorlari bilan dong taratgan so'lim Boysun 2001-yilda YUNESKO tomonidan insoniyatning og'zaki va nomoddiy merosi durdonasi, deya e'tirof etilgandi. Oradan ko'p vaqt o'tmay, bu hudud insoniyatning nomoddiy madaniy merosi reprezentativ ro'yxatiga ham kiritildi.

"Boysun bahori" ochiq folklor festivali 2002-yildan buyon o'tkazilmoqda. Lekin orada ma'lum vaqt uzilish bo'ldi. Prezidentimiz 2016-yil noyabr oyida Surxondaryo viloyati saylovchilari bilan uchrashganida bu ajoyib loyihani davom ettirib, mazmunan boyitish taklifini har jihatdan qo'llab-quvvatladi. Mana, uch yildirki, ko'hna folklor sadolari Boysun tog'lari uzra yana jarang sochmoqda.



Festivalning chor atrofi tog' bilan o'ralgan Padang qishlog'ida yam-yashil adirlik va lolazorlar qo'ynida o'tkazilishida o'ziga xos ramziy ma'no bor. Bunday muhit insonni tabiatga yaqinlashtiradi, qalb ko'zini ochadi, samimiy tuyg'ularga oshno etadi.

Tarixdan ma'lumki, ota-bobolarimiz tabiatga yaqin bo'lishga intilib, qir-adirlarda o'tovlar tikib yashagan. Bunday hayot tarzi xalq og'zaki ijodi, masalan, baxshi-shoirlarimiz sevib kuylaydigan "Alpomish" dostonida o'z ifodasini topgan.

— Men O'zbekistondek Allohning nazari tushgan yurtda tug'ilganimdan faxrlanaman. "Boysun bahori" festivalida qatnashib, xalqimizning madaniy merosi qanchalik ulug'vorligini his qildim. Uni boyitishga o'z hissamni qo'shmoqchiman, — deydi yosh ijodkor Xumoyjon Ramazonov.

Aytish kerakki, bu galgi "Boysun bahori" nafaqat respublikamiz hududlaridan, balki xorijdan kelgan sayyohlarni ham o'z bag'riga chorladi. Festivalni chet el ommaviy axborot vositalari faol yoritdi.

Birinchi o'rin Surxondaryo va xorazmlik ishtirokchilarga nasib etdi. "Gashtak" hamda "Sayxun yigitlari" jamoalari ikkinchi, "To'rg'ay", "Afsona" va "Yor-yor" esa, uchinchi o'ringa loyiq topildi.

**Hasan USMONOV,**
**Nargiza RAHMATULLAYEVA**

# O'ZBEKISTON DELEGATSIYASI SHANXAY OROMGOHIDA




**(Boshlanishi 1-sahifada).**

Shanxay Hamkorlik Tashkiloti yoshlar masalalari bo'yicha hamkor davlatlarining ko'rgazmali biznes muloqotlari tashkil etildi. Delegatsiyamiz Mo'g'uliston, Kambodja, Eron, Hindiston, Ozarbayjon kabi davlatlar bilan yoshlar siyosati, turizm, qishloq xo'jaligi, tadbirkorlik sohalarida hamkorlikni yanada mustahkamlash borasida muzokaralar olib bordi.

O'zaro muloqotda yurtimizning cho'l va tog' oldi hududlarida pista yetishtirishni rivojlantirish va bu borada O'zbekiston-Eron o'rtasida tajriba almashish, yoshlar turizmini rivojlantirish bo'yicha hamkorlikni yo'lga qo'yish hamda joriy yilning sentabr oyida aniq maqsadli ishlarni amalga oshirish bo'yicha kelishuvlarga erishildi.

Aytish kerak, mamlakatimizda joriy yilning sentabr oyida Belarus Respublikasi bilan kartoshka urug'chiligini yo'lga qo'yish va kelajakda g'alladan bo'shagan maydonlarni kartoshka yetishtirishga ixtisoslashtirish bo'yicha yangi loyiha ishga tushadi. Bundan tashqari, Hindiston yosh sardorlar konfederatsiyasi bilan tropik mevalar va dukkakli mahsulotlar eksporti bo'yicha ham muzokaralar olib borildi. Hindiston delegatsiyasi joriy yilning ikkinchi yarim yilligida O'zbekiston yoshlar ittifoqi tomonidan tashkil etiladigan O'zbekiston-Hindiston yoshlar forumiga taklif etildi.

Haftalik davom etmoqda.

**Shahnoza NURULLAYEVA**

NUQTAYI NAZAR

# BEFARQ BO'LISHGA haqqimiz yo'q!

**"Sudya — gapirayotgan qonun, qonun — tilsiz sudyadir", degan edi Sitseron. Qonun ustuvor joyda taraqqiyot bo'ladi. Fuqarolarda qonunlarga hurmat va itoatkorlik hissini shakllantirish davlat boshqaruvida juda muhim ahamiyatga ega.**



Mamlakatimizda sud-huquq tizimi izchil isloh qilinmoqda. Shunga yarasha jinoyatlarning soni kamayyapti. Buni Jinoyat ishlari bo'yicha Toshkent shahar Yashnobod tumani sudi faoliyati misolida ko'rish mumkin.

Joriy yil birinchi choragida sudda ko'rilgan ishlar tahlili yoshlar jinoyatchiligi o'tgan yilning shu davriga nisbatan 11 taga kamayganini ko'rsatdi. Yil boshidan 14 marotaba sayyor sud majlislarini o'tkazdik. Barchasida ayblanuvchi sifatida yoshlar qatnashgani achinarlidir. 32 ta jinoiy ish bo'yicha xususiy ajrim chiqarilgan va bitta shaxs qidiruvga berildi.

1997-yilda tug'ilgan Shahzod Hasanov giyohvand vositasi hisoblangan 23 dona "Tramadol Lannaxer" dori preparati bilan ushlandi. To'plangan ashyoviy va faktik dalillar asosida uning qilmishi jinoyat ekani to'liq isbotlandi. Sud ayblanuvchining giyohvand ekani va davolanishga muhtojligini inobatga olib, Jinoyat Kodeksining 276-moddasi, 2-qismi, "a" bandi bilan uch yil muddatga ozodlikdan cheklash jazosiga hukm etdi.

Yoshlarning jinoyat ko'chasiga kirishiga turli omillar turtki bermoqda. Albatta, har kim qilmishiga yarasha jazolanadi. Ammo ko'rilayotgan jazo choralari fuqaroning hayotini qay tomonga o'zgartirib yuborishi haqida ham jiddiy o'ylash zarur. Yil boshidan shu choqqacha sudda ko'rilgan jinoyat ishlarini tasniflaganda, o'ta og'ir va og'ir jinoyatlar ko'payganini ko'ramiz. Eng ko'p uchraydigan sabab — bekorchilik. Qolaversa, ota-ona farzandini nazoratsiz qoldirayotgani ham ayanchli oqibatlarga olib kelmoqda.

Inson moddiy qiyinchilik tufayli, mastlik holatida, tazyiq ostida yoki g'araz niyatni ko'zlab jinoyat sodir etishi mumkin. Aksariyat ayblanuvchilar, jumladan, yoshlar ham jinoiy qilmishini puxta rejalashtirgani ma'lum bo'lmoqda. Demak, ular xatti-harakatining ijtimoiy xavfini yaxshi anglagan. Taassufki, muqaddam sudlangan va hayotini izga solish uchun muddatidan avval ozod etilgan yurtdoshlarimizning ayrimlari takroran jinoyat sodib etib, o'ziga ikkinchi imkoniyat qoldirmayapti.

Sudning bosh maqsadi — adolatni tiklash. Shunga qaramay, yoshlar nega yo'ldan og'moqda, degan savolni har kim o'ziga berishi, fikr-mulohaza yuritib, tegishli xulosa chiqarishi darkor. Illo, yoshlar taqdiriga befarq bo'lishga haqqimiz yo'q!

**Bahriddin IKROMOV,**
**Jinoyat ishlari bo'yicha Toshkent shahar Yashnobod tumani sudi sudyasi**

MULOQOT

# YOSHLAR SIYOSATI: tahliliy yondashuv muhim

**Toshkent davlat yuridik universitetida Yoshlar ittifoqi, Fanlar akademiyasining Tarix instituti va boshqa tashkilotlar hamkorligida "O'zbekistonda o'tkazilayotgan yoshlarga oid davlat siyosatining maqsadi va mohiyati" mavzuida respublika ilmiy-amaliy anjumani o'tkazildi.**

Tadbirda professor-o'qituvchilar, taniqli jurnalistlar, talabalar qatnashdi. O'g'il-qizlarning huquq va erkinliklarini ta'minlash, orzu-umidlarini ro'yobga chiqarish bo'yicha davlat miqyosida qilinayotgan ishlar to'g'risida keng jamoatchilikni xabardor etish muhim bo'lib, bunda ommaviy axborot vositalari salohiyatidan foydalanish lozimligi qayd etildi. Afsuski, hozir televideniye, matbuot, internet nashrlarida yoshlarga oid davlat siyosati mavzusi trend darajasiga ko'tarilmagan. Vaholanki, qilinayotgan ishlar juda ko'p. Ularni tahliliy tarzda yoritish zarur.



Anjuman ishtirokchilari "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi qonunning ahamiyati xususida ham fikr almashdi. Ta'kidlanganidek, global dunyoda terrorizm, diniy ekstremizm, giyohvandlik, odam savdosi, "ommaviy madaniyat" kabi tahdidlar kuchayishi natijasida asriy qadriyatlar zavol topmoqda. Bunga yo'l qo'ymaslik uchun yoshlar bilan puxta ishlash talab qilinadi.



— Yurtimizning barcha hududlarida yoshlar ishtirokida davra suhbatlari, uchrashuvlar o'tkazilyapti, — deydi Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi Fayzullo Abdumalikov. — Olis hududlargacha kirib borilmoqda. Yoshlarga oid davlat siyosatiga barchamiz xayrixoh bo'lishimiz, uni hayotga tatbiq etishda o'z hissamizni qo'shishimiz kerak. Bugungi anjumanda shu kabi masalalar o'rtaga tashlandi. Fikr-mulohazalar bilan o'rtoqlashdik.

**H.TOSHTEMIROV**

HUQUQIY TARG'IBOT

# QAT'IY QADAM

Toshkent shahar Yoshlar markazida Yoshlar ittifoqi hamda Ichki ishlar vazirligi probatsiya xizmati hamkorligida jazoni ijro etish muassasalaridan ozod etilgan 150 nafardan ortiq yoshlar ishtirokida "Sinovdan yuksalishga qat'iy qadam" mavzuida ochiq muloqot bo'lib o'tdi.

Tadbirda mutasaddilar tomonidan aholi, ayniqsa, yoshlarning jinoyat sodir etgan qismi bilan samarali ishlar olib borilayotgani ta'kidlandi. Muloqot davomida yoshlarga probatsiya xizmati to'g'risida ma'lumot berildi. Yoshlarning muammolari tinglandi. Bandlik va mehnat munosabatlar vazirligi mutaxassislari bo'sh ish o'rinlari haqida ma'lumot berdi. Tadbirkorlik qilish istagida bo'lganlarga zarur ko'nikma va tavsiyalar o'rgatildi.

Yakunda bu kabi tadbirlarni respublikaning barcha hududlarida bosqichma-bosqich o'tkazishga kelishib olindi.

**Akmalbek ALIMOV**

MUTAXASSIS OGOH ETADI

# Hammasi e'tiborsizlikdan boshlanadi

**Aholini yong'in xavfsizligi qoidalari bilan tanishtirish, ularga qat'iy rioya etilishiga erishish biz, soha xodimlari oldida turgan asosiy vazifa hisoblanadi.**

"Tilsiz yov" hamisha kutilmaganda hamla qiladi. U hech kimni ayamaydi. Bu achchiq haqiqat tajribamizda bot-bot o'z tasdig'ini topmoqda.

Odamlar hayoti, farovon turmushi, sog'lig'i va mol-mulkiga jiddiy ziyon yetkazayotgan o't balosi bilan kurashishning yo'li bitta — ogohlik. Oddiy e'tiborsizlik tufayli katta-katta turarjoy obyektlari, maishiy binolar, tabiiy landshaftlar yong'in ostida qolib ketishi hech gap emas.

Uy ichida ochiq olovdan, nosoz yoki qo'lbola usulda yasalgan elektr pechlari hamda gaz uskunalaridan foydalanish, sigareta chekish, yosh bolalarni qarovsiz qoldirish, ularga yong'in xavfsizligi qoidalarini tushuntirmaslik, qurilish maydonlarida elektr-montaj ishlarini bajarish chog'ida ehtiyot choralarini ko'rmaslik juda ko'p hollarda baxtsiz hodisalarni keltirib chiqarmoqda.

Profilaktika chorasi sifatida Davlat yong'in xavfsizligi xodimlari tomonidan ishlab chiqarish korxonalari, tashkilot va muassasalarda muntazam ravishda o'quv-ko'rgazmali mashg'ulotlar, ochiq muloqotlar, davra suhbatlari o'tkazilyapti. Mahallalarda olib borilayotgan tushuntirish-targ'ibot ishlari ham samara bermoqda.

**Asan MAYMANOV,**
**Mirzo Ulug'bek tumani yong'in xavfsizligi boshqarmasi boshlig'i o'rinbosari,**
**Atxam KENJAYEV,**
**Davlat boshqaruvi akademiyasi yong'in xavfsizligi bo'linmasi katta inspektori**

YUKSALISH



# MILLIY RAQS — MILLAT G'URURI

## uni asl holicha asrab qolish jiddiy muammoga aylanmoqda

Olimlarning aytishicha, inson hali dunyoni to'la idrok etmagan, tuyg'ularini so'z bilan ifodalashga ojiz bo'lgan zamonlarda dil izhorini qo'l, tana harakati ila bayon etgan ekan. Bu qoyatoshlardagi qadimiy suratlar, "Avesto" kabi ming yillik bitiklarda isbotini topgan. Milliy raqs san'atimiz shu yo'sin vujudga kelgan va ming yilliklar davomida rivojlanib borgan.

Afsuski, bugungi globallashuv, madaniyatlarning bir-biri bilan qorishib ketishi raqs san'atida ham o'z aksini ko'rsatmoqda. Ayrim san'atkorlar tomoshabin e'tiborini tortish bahonasida bunga "hissa" qo'shyapti. Ayni sabab tufayli bugun nafaqat milliy raqs san'atini asl holicha asrash, balki yosh avlod tafakkurida unga nisbatan mehr uyg'otish ham dolzarb muammoga aylandi.

Toshkent davlat milliy raqs va xoreografiya oliy maktabida bo'lib o'tgan "O'zbekiston raqs san'ati rivoji va istiqbollari: ijtimoiy jarayonlar" mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasida shu kabi muammolarga yechim izlandi. Konferensiyada milliy raqs san'atini ilmiy jihatdan yanada puxta o'rganish va uni rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilgani maktablarda milliy raqsdan saboq berayotgan o'qituvchi-murabbiylar uchun mahorat maktabi bo'ldi.

— Bugungidek keskin o'zgarishlar zamonida qadriyatlarni saqlab qolishda ilmning o'rni beqiyos, — deydi Toshkent davlat milliy raqs va xoreografiya oliy maktabi rektori Shuhrat Toxtasimov. — Tan olish kerak, san'atkorlarga ilm qilish oson emas. Lekin bilim va ko'nikmamizni ilmiy asoslab, o'g'il-qizlarga yetkazib berishimiz shart. O'tgan yili oliy maktabimiz tomonidan o'ndan ziyod ilmiy-amaliy qo'llanma nashr etildi.

Konferensiyaning asosiy qismida hududlardan kelgan ishtirokchilar uchta sho'baga bo'linib, o'zlarini qiynayotgan muammolarni o'rtaga tashladi. Tadbir mezbonlari ham takliflarini bildirdi.

— Bugun ustoz-shogird an'anasi avvalgidek emas, — deydi Oliy maktab magistranti Nurbek G'ofurov. — Ular yaqin qarindoshlar kabi bir-biri bilan jips bo'lishi kerak. Afsuski, bugun ayrim "ustoz-shogirdlar"ni faqat dars jarayonigina bog'lab turgandek. Ular ko'chaga chiqdimi, ikki tarafga qarab ketadi.

Konferensiyada raqs san'atining rivoji va istiqbollari, san'at va madaniyat sohasidagi islohotlar hamda ijtimoiy jarayonlar haqida ham atroflicha fikr almashildi.

**Boboravshan G'OZIDDINOV**

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI
Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrinoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Irina Kochergina – bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Vafoyev – mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi
Hasan USMONOV

Dizayner
Xurshid ABDULLAYEV

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74,
(71) 233-95-97.
(71) 233-79-69 (faks)

Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indekslar: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-513
Adadi — 21170
Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 02.50
O'zA yakuni — 01.50